



ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ.

Кутбитдинова Мохигул Иноятовна
ТДИУ Маркетинг кафедраси и.ф.н., доценти
E-mail: moxigulinoyatovna97@gmail.com
ORCID: [0009-0006-8422-6868](https://orcid.org/0009-0006-8422-6868)

STRATEGIC MANAGEMENT OF INNOVATION ACTIVITY AND ECONOMIC EFFICIENCY IN CONSTRUCTION MATERIALS INDUSTRY ENTERPRISES.

Mohigul Inoyatovna Kutbitdinova
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor, Department of Marketing,
Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: moxigulinoyatovna97@gmail.com
ORCID: [0009-0006-8422-6868](https://orcid.org/0009-0006-8422-6868)

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацион фаолиятни стратегик бошқариш, ишлаб чиқаришга янги энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, маҳсулот таннархини оптималлаштириш ва ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардошликни ошириш стратегиялари тадқиқ этилган. Тармоқ корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлашда инновацион менежмент тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қурилиш материаллари, инновацион фаолият, стратегик бошқарув, иқтисодий самарадорлик, янги технологиялар, таннарх, рақобатбардошлик.

Abstract: This article explores the strategies for strategic management of innovation activities in the construction materials industry enterprises, the introduction of new energy-saving technologies into production, the optimization of production costs, and increasing competitiveness in the domestic and foreign markets. Scientific and practical

recommendations have been developed to improve the innovation management system in ensuring the sustainable development of the industry enterprises.

Keywords: construction materials, innovation activity, strategic management, economic efficiency, new technologies, production cost, competitiveness.

Кириш. Бугунги кунда республикамізда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қурилиш материаллари саноатини миллий иқтисодиётнинг энг драйвер тармоқларидан бирига айлантирди. Бироқ мазкур тармоқ корхоналари (цемент, ғишт, қуруқ қоришмалар ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) юқори ресурс ва энергия сифимиға эға эканлиғи билан ажралиб туради. Энергия ресурслари нархининг босқичма-босқич либераллашуви ва бозорда рақобатнинг кучайиши шароитида, корхоналар олдида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг анъанавий усулларидаи воз кечиш ва барқарор ривожланиш тамойиллари асосида стратегик бошқарув тизимини янгилаш вазифаси турибди. Инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва технологияларни модернизация қилиш

орқали маҳсулот таннархини пасайтириш ушбу муаммонинг бош ечими ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида қурилиш материаллари саноатида туб технологик ва институционал ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, "Industry 4.0" ва "Industry 5.0" парадигмалари доирасида рақамли трансформация, сунъий интеллект, нарсалар интернет (IoT), катта маълумотлар (Big Data) таҳлили, рақамли иккилик (Digital Twin) технологиялари ҳамда робототехника воситаларининг ишлаб чиқаришга интеграциялашуви саноатнинг янги тизимли қиёфасини шакллантирмоқда. Шу билан бир вақтда, глобал иқлим ўзгариши ва экологик талабларнинг кучайиши соҳани "яшил" технологияларга, қайта тикланадиган энергия манбаларига ҳамда циркуляр (айланма) иқтисодиёт тамойилларига ўтишга ундамоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан тўлиқ жорий этилаётган СВМ (чегара усти углерод созлаш механизми) тартиби бевосита Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, маҳаллий тармоқ корхоналарини халқаро экологик стандартларга тезкор мослаштиришни тақозо этмоқда.

Шундай мураккаб ва глобаллашув шароитида Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналарининг бошқарув тизимини модернизация қилиш ва иқтисодий самарадорликни ошириш – нафақат алоҳида ҳўжалик юритувчи субъектлар, балки бутун мамлакат иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим стратегик вазифадир. Мазкур вазифанинг самарали бажарилиши соҳанинг халқаро

рақобатбардошлигини таъминлайди, экспорт ҳажмини сезиларли даражада оширади, янги юқори малакали иш ўринларини яратади, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини мувозанатлаштиради ва энг муҳими – аҳолининг турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда. 2017 йилдан бошланган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар доирасида ушбу тармоқни ривожлантириш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, давлат томонидан стратегик ҳужжатлар қабул қилинди, ҳуқуқий база такомиллаштирилди, институционал тузилма янгиланиб, замонавий молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони қурилиш материаллари саноатини истикболли ривожлантириш учун ҳам асосий стратегик дастурилламал ҳужжат ҳисобланади¹. Ушбу Стратегиянинг мақсадли йўналишларида саноатни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва ҳудудларнинг баланслашган иқтисодий тараққиётини таъминлаш каби устувор вазифалар қатъий белгилаб берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

Адабиётлар шархи.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ва рақобатбардошликни оширишда Ишлаб чиқаришни бошқариш ва саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда инновациялар ҳамда стратегик менежмент усуллариининг назарий-методологик асослари жаҳон ва ватанимиз иқтисодчи олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган. Корхоналар фаолиятига янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришишнинг фундаментал асослари дастлаб иқтисодий ривожланишнинг инновацион назарияси асосчиси Ж. Шумпетер томонидан асослаб берилган. Ж. Шумпетер ўзининг илмий қарашларида инновацияларни ишлаб чиқариш омилларининг “янги комбинацияси” сифатида талқин қилади ва у иқтисодий тизимларни ички динамик ривожлантирувчи, эскирган ишлаб чиқариш усуллариини сиқиб чиқарувчи асосий куч эканлигини таъкидлайди².

Саноат тармоқларида рақобатбардошликни стратегик бошқариш концепцияси М. Портер тадқиқотларида янги босқичга кўтарилди. М. Портер фикрига кўра, корхонанинг бозордаги устуворлиги иккита асосий стратегик йўналиш – харажатларни минималлаштириш (таннархни пасайтириш) ёки маҳсулотни диверсификация қилиш орқали таъминланади³. Айниқса, қурилиш материаллари саноати каби юқори харажатли ва технологик жиҳатдан мураккаб тармоқларда ишлаб чиқариш инновациялари бевосита маҳсулот

қиймати занжирини (Value Chain) оптималлаштириш ва рақобатдош устунликка эришишнинг бош омили ҳисобланади.

Ушбу назарий ёндашувларнинг республикамиз саноат тармоқлари хусусиятларига мос ҳолда ривожланиши маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Хусусан, А.В. Вахабов ўз тадқиқотларида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш методологиясини замонавий “яшил иқтисодиёт” ва энергия самарадорлиги тамойиллари асосида трансформация қилиш зарурлигини илмий асослаб берган⁴. Олимнинг таъкидлашича, ёқилғи-энергия ресурсларини тежашга қаратилган инновациялар маҳсулот таннархини пасайтириш билан бир қаторда, корхоналарнинг экологик рақобатбардошлигини ҳам таъминлайди.

Саноат мажмуаларида рақамли технологиялар ва инновацион менежмент тизимларини интеграциялаш масалалари С.С. Гулямовнинг илмий ишларида тизимли равишда ёритилган⁵. С.С. Гулямов ишлаб чиқаришни бошқаришда “Industry 4.0” элементларини (автоматлаштирилган назорат тизимлари, рақамли мониторинг) қўллаш орқали хомашё сарфини реал вақт режимида назорат қилиш ва технологик йўқотишларни минималлаштириш имкониятларини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, К.К. Турсунов саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш стратегиясини айнан эко-инновациялар ва ички захираларни

² Шумпетер Ж. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / Пер. с нем. - Москва: Эксмо, 2007. - 864 с.

³ Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран / Пер. с англ. - Москва: Международные отношения, 1993. - 896 с.

⁴ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. "Yashil iqtisodiyot": darslik. - Toshkent: "Universitet" nashriyoti, 2020. - 280 b.

⁵ Gulyamov S.S. Sanoat tarmoqlarida raqamli texnologiyalar va innovatsion menejment integratsiyasi. Monografiya. - Toshkent: "Fan" nashriyoti, 2023. - 214 b.

сафарбар этиш орқали такомиллаштириш моделларини ишлаб чиққан⁶. Муаллиф корхоналарда инқирозга қарши бошқарув самарадорлиги бевосита ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва таннарх таркибидаги ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга боғлиқ эканлигини исботлаган.

Шунга қарамай, қурилиш материаллари саноатининг технологик хусусиятларини (масалан, цемент ишлаб чиқаришда клинкер куйдириш жараёнининг ҳаддан ташқари юқори иссиқлик энергиясини талаб қилиши, хомашё базасининг гео-локацияси ва транспорт логистикасининг мураккаблиги, чиқиндилар ҳажмининг юқорилиги ва ҳ.к.) комплекс инobatга олган ҳолда, инновацион фаолиятни бошқаришнинг стратегик концепциялари ҳанузгача етарлича тизимлаштирилмаган ва яхлит методология кўринишига келтирилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мақоланинг мақсади – қурилиш материаллари тармоғи корхоналарида

янги энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни ошириш ҳамда узоқ муддатли стратегик самарадорликка эришиш методологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, стратегик менежмент усуллари (SWOT, PESTEL), иқтисодий-математик моделлаштириш ҳамда тармоқ корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш методларидан фойдаланилди. Барқарор ривожланиш индикаторлари иқтисодий самарадорлик ва экологик нейтраллик мезонлари билан интеграция қилинди.

Таҳлил ва натижалар.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ва бозор позициясини мустаҳкамлаш учун стратегияни урта ўзаро боғлиқ босқичда амалга ошириш таклиф этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Қурилиш материаллари корхоналарида стратегик бошқарувнинг устувор йўналишлари.

№	Стратегик блок	Амалга ошириладиган тадбирлар ва технологиялар	Иқтисодий натижа ва самарадорлик индикатори
1.	Янги технологияларни жорий этиш	- Анъанавий “ҳўл усул”дан энергия тежамкор “қурук усул”га ўтиш; - Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш (Industry 4.0)	- Ёқилғи-энергия харажатларини 30-35% гача камайитириш; - Печларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

⁶ Tursunov K.K. Strategy of sustainable development of industrial enterprises based on eco-innovations //

2.	Маҳсулот таннархнини тушириш	-Маҳаллий минерал-хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини (иссиқлик станциялари кули, шлак) қайта ишлаш; -“Кайдзен” ва “Lean production” (тежамкор ишлаб чиқариш) тизимини жорий этиш.	- Клинкер коэффициентини оптималлаштириш; - Моддий харажатларни 15-20% га қисқартириш; -Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи таннархни тушириш.
3.	Рақобатбардошликни ошириш	-“Яшил маҳсулот” (Green Building Materials) ва ESG стандартларини жорий этиш; -Экспортга йўналтирилган инновацион қурилиш материаллари диверсификацияси.	- Ички бозорда улушнинг ортиши (10-12%); -Халқаро сертификатлаш орқали экспорт ҳажмини кенгайтириш.

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Олиб борилган иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, қурилиш материаллари корхоналарида маҳсулот таннархининг қарийб 50-60 фоизини ёқилғи ва энергия харажатлари ташкил

этади. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини стратегик бошқариш модели қуйидаги мақсадли функция (E) орқали ифодаланиши мумкин:

$$E = \frac{P \cdot Q}{C_{tech} + C_{res} + C_{env}} \rightarrow \max$$

P – маҳсулотнинг бозордаги баҳоси (рақобатбардошлик даражаси);

Q – ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми;

C_{tech} – янги технологияларни жорий этиш ва модернизация харажатлари;

C_{res} – хомашё ва энергия ресурслари харажатлари (таннарх асоси);

C_{env} – экологик ва айланма иқтисодиёт талабларидан келиб чиқувчи харажатлар.

Ушбу модел доирасида C_{res} (ресурс харажатлари)ни камайтириш ва янги технологиялар C_{tech} ҳисобига маҳсулот сифати ҳамда ҳажмини ($P * Q$) ошириш корхонанинг бозордаги узок муддатли барқарорлигини таъминлайди.

5. Хулоса ва тавсиялар

Қурилиш материаллари саноати корхоналари фаолиятини стратегик бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Инновацион фаолиятни бошқариш фақат техник янгиланиш эмас, балки корхонанинг ташкилий тузилмаси

ва корпоратив маданиятини “яшил иқтисодиёт” тамойилларига мослаштиришни талаб қилади.

2. Маҳсулот таннархини туширишнинг энг истиқболли йўли - маҳаллий хомашё базасидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга айланма (циркуляр) иқтисодиёт технологияларини интеграция қилишдир.

3. Корхоналарнинг истиқболли (2026-2035 йилларга мўлжалланган) рақобатбардошлик стратегияси халқаро ESG (экологик ва корпоратив бошқарув) мезонлари билан узвий боғлиқ бўлиши шарт.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
2. Шумпетер Ж. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / Пер. с нем. - Москва: Эксмо, 2007. - 864 с.
3. Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран / Пер. с англ. - Москва: Международные отношения, 1993. - 896 с.
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Yashil iqtisodiyot”: darslik. - Toshkent: “Universitet” nashriyoti, 2020. - 280 b.
5. Gulyamov S.S. Sanoat tarmoqlarida raqamli texnologiyalar va innovatsion menejment integratsiyasi. Monografiya. - Toshkent: “Fan” nashriyoti, 2023. - 214 b.
6. Tursunov K.K. Strategy of sustainable development of industrial enterprises based on eco-innovations // Journal of Management and Economic Studies. - 2022. - Vol. 4(2). - P. 115-128.
7. Porter M.E. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. - New York: Free Press, 1980. - 396 p.
8. Клейнер Г.Б. Системная модернизация экономики, территорий, предприятий. - Москва: Издательский дом «Наука», 2021. - 422 с.
9. D.Yu.Matrizayeva, A.Metyakubov, U.Boltayev. Основные направления привлечения инвестиций на промышленные предприятия. Central asian journal of theoretical and applied sciences Volume: 03 Issue: 10 | Oct 2022 158-167 b.
10. D.Yu.Matrizayeva Қурилиш материаллари саноат корхоналарини иқтисодий самарадорлигини бошқариш. Монография. – Т: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022. 222 bet.



11. D.Yu.Matrizayeva, Kutbitdinova M.I. Expanding modern methods of corporate management in the compliance control system. Talim fidoyilari ilmiy elektron jurnal 8-son, 1-jild avgust 2022 1-qism 162-168 b.

12. D.Yu.Matrizayeva, Kutbitdinova M.I. Комплаенс-контроль: расширение современных методов корпоративного управления European Journal of Interdisciplinary Research and Development Volume-14 April – 2023 page139-146